

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

**MILLIY QADRIYATLAR, TARIXIY XOTIRA:
TARIXIY-MA‘NAVIY O‘QITISHNING
DOLZARB MUAMMOLARI**

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi
materiallari

4-iyun 2021-yil

Qarshi – 2021

Mazkur to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining **2-mart 2021-yildagi 78-F sonli farmoyishiga asosan 2021-yilning 4-iyun kuni o‘tkazilgan “Milliy qadriyatlar, tarixiy xotira: tarixiy-ma’naviy o‘qitishning dolzarb muammolari”** mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari o‘rin olgan.

To‘plamga milliy qadriyatlarni asrab-avaylash davr talabi, tarixiy-madaniy turizm - milliy qadriyatlar targ‘ibotining omili, milliy qadriyatlarni saqlash va targ‘ib etishda muzeylarning ahamiyati, muqaddas ziyoratgoh va qadamjolar: tadqiqot, tahlil va muammolar, arxeologiya va etnologiyaning milliy qadriyatlar hamda tarixiy xotirani mustahkamlashdagi ahamiyati, ta‘lim muassasalarida milliy qadriyatlar hamda tarixiy-madaniy merosni o‘qitish masalalari kabi dolzarb yo‘nalishlarga bag‘ishlangan maqolalar kiritilgan.

MAS’UL MUHARRIRLAR:

- B. Eshov** – tarix fanlari doktori, professor
M.To‘rayeva – tarix fanlari nomzodi, dotsent

TAHRIRIYAT A’ZOLARI:

- B. Eshov** – tarix fanlari doktori, professor
M.To‘rayeva – tarix fanlari nomzodi, dotsent
A. Hasanov – tarix fanlari nomzodi, dotsent
R.To‘xtayeva – o‘qituvchi

Maqolalarda keltirilgan ma’lumotlarning haqqoniyligi uchun mualliflar mas’uldir.

БУХОРО МАРОСИМ ТАОМЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Юсунова М.Ў. – БухДУ катта ўқитувчиси

Бухоро воҳаси аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган ўзбек ва тожиклар, туркий ва форс тожик тилларида гапирувчи этнослар ва этник гуруҳларнинг ўзаро узоқ давом этган этник ва маданий алоқалари натижасида шаклланган. Бизга маълумки, дунёдаги ҳар бир тараққий этган маданиятли халқнинг ўз тили, урф – одати, адабиёти, осори – атиқалари, анъанавий, моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Бухоро воҳаси аҳолиси ҳам дунёдаги энг қадимги маданий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эга бўлган халқдир. Воҳа аҳолисининг анъанавий удумлари, урф – одат ва маросимлари ниҳоятда бой, кўп қиррали ва сермазмун эканлиги, асрлар оша авлоддан – авлодга мерос бўлиб келаётганлиги, уларнинг кўпларига эса мустақилликка эришганимиздан сўнг қайта ҳаёт бағишланганлиги бугунги кунда ўтказилиб келинаётган байрамлар, тўйлардаги маросимлар, бу маросимларда пиширилиб, бутун дунё халқлари истеъмол қилиб таъми оғзида қолган таомларимиз бунинг яққол исботи бўла олади десак хато қилмаган бўламиз. Бухоро воҳасида ўтказилиб келинаётган ҳар бир байрам: Наврўз, Ҳайит, Мустақиллик, Ипак ва зираворлар байрамларида миллий таомларимиз тортиқ этилиб, воҳамизнинг таниқли ошпазлари ўртасида ўтказиладиган таомлар бўйича танловлар, бу таомлар маросимларда дастурхонимизнинг кўрки бўлиб келаётганлигига амин бўлиб келаяпмиз. Буларнинг барча бугун этнограф олимлар томонидан, унут бўлган маросимларимиз уларда пишириладиган таомларимиз дала тадқиқотлари асосида чуқур талқин қилиниб, ўрганилиб келинмоқда.

“Арафа” – рўза ва қурбон ойларининг охири кунлари, ҳайит кунлари бошланишидан олдинги кун, сайил олди тайурбон ойларининг охири кунлари, ҳайит кунлари бошланишидан олдинги кун, сайил олди тайёргарлик кўриш удуми. “Арафа” сўзи Арабистондаги Арофат тоғининг номидан олинган бўлиб, ҳижрий – қамарий тақвим бўйича зулҳижжа ойининг 9 кунда ҳожилар ана шу тоққа жам бўладилар ва тоққа чиқиб намоз ўқийдилар. Ҳайитдан олдинги куннинг “арафа” қилиниши одати ана шундан келиб чиққан. Арафа кунда барча хонадонларда ҳайитга тайда барча хонадонларда ҳайитга тайёргарлик кўрилади[1]. Бухоро воҳаси аҳолиси ҳам дастурхон безаб меҳмон кутадилар. Дастурхонга: ис, сомса, ҳалвайтар, чак-чак пишириб кўйишган. Гўштли таомлар пишириш урф бўлган. Чунки рўза тутган одамга гўштли таомлар куч беради, иммунитетини оширади, қонини кўпайтиради, деб ҳисоблашган[2]. Бутун ўзбек халқи рўза тутганларга ифторлик маросимини ташкил қилиб, дастурхон езиб ош, кабоб сингари таомлардан пишириб рўзанинг савоби тегади деб ирим қилиб меҳмон кутишади.

“Барот келди” – қамарий йил билан боғлиқ мавсумий маросимлардан бири. Анъанага кўра, ҳижрий-қамарий ҳисоб бўйича саккизинчи ой – шаъбоннинг ўн тўртинчи куни “Барот” деб аталади. Бу кун гуноҳлардан покланиш, тозаланиш, руҳан янгиланиш куни сифатида мўътабар саналган. Хонадонларда ёғ хиди чиқсин деб қиздиришган ва ёғга бўғирсоқ (ис чиқаришган) пиширишган, турли хил пишириқлар тайерлаганлар. Ўтган авлодларнинг руҳи шод бўлсин, қабрида тинч етсин дея Қуръон тиловат қилишиб, пиширилган пишириқларни кўни-кўшниларга, қариндошларга улашганлар. Болаларга турли хил ноз-неъматлар улашилган. Бу мароси ҳозирда унут бўлиб кетган бўлса-да, халқимиз хотирасида сақланиб қолган.[3]

Яна бир энг ажойиб маросим – Бешик тўйи маросимида узун қилиб кесилган угра оши пиширилади. Угранинг узун қилиб кесилиши орқали чақалоқнинг умри узун бўлсин деган ният билдирилади. Шунингдек бешик тўйида жўхоридан таом тайёрлаш одати ҳам мавжуд бўлиб, унинг моҳияти бу ўсимликка хос бўлган серҳосиллик хусусияти болага ҳам ўтиб, у келгусида серфарзанд бўлсин деган маънони англатади. Кўчқор сўйилиб кабоб, қозон кабоб, палов сингари хилма хил таомлар пиширилиб, чақалоқ кўришга келган меҳмонлар, яқин қариндошлар, кўни кўшнилар кутиб олинган.

Дала тадқиқотлари жараёнида шу нарсанинг гувоҳи бўлдикки, воҳада гўшти таомлар билан боғлиқ урф – одатлар сақланиб қолган бўлиб, бешик тўйи маросими учун махсус жўхоридан тайёрланган таомлар берилган. Чунки жўхори ўзбекларда серпуштлик рамзи бўлган. Ҳозирда эса маросимга турли ширинликлар ва махсус палов тайёрланади. Эътиборга лойиқ удумлардан бири шундаки, туққан хотин учун алоҳида қўй сўйилган ва чилла (40 кун) давомида қўй гўшти билан боқилган, пишириладиган барча таомлар қўй гўшtidан бўлган.[4] Сўйилган қўйнинг бўйни бутунлигича пиширилган. Айтишларича, қўй бўйнидан пиширилган шўрвани туққан аёлга (чақалоқнинг онасига) чилла (40 кун) давомида ичирилса, чақалоқ бўйнини тик тутадиган бўлади, “чақалоқнинг бўйни қотсин” деб ирим қилинган, илиги тўқ бўлиб, суяги тўғри ривожланади. Бу одат воҳанинг ўзбек ва тожикларида бир хилда амалга оширилган. Худди шундай одат қадимдан то ҳозирги кунга қадар козоқларда (Қоровулбозор тумани мисолида кўриш мумкин)[5] ҳам бўлган. Маълумки, ўтмишда айрим жониворларга тотем аجدод сифатида сиғиниш билан бир қаторда, уларнинг баъзилари рамзий ҳомий сифатида муқаддаслаштирилганлар.

Халқимизнинг таом тайёрлаш анъанаси ва маданияти кўп асрлик тарихга эга бўлиб, ҳар бир таом ўз номи, қаерда, қачон, қандай пайтда, нима сабабдан пиширилишига қараб бир – биридан фарқ қилади ва тарихи, пиширилиш услуби жиҳатидан ҳозирги кунга қадар ўз аҳамияти йўқотмасдан, авлоддан – авлодга ўтиб келиб, байрамлар, маросимларда пиширилиб, жаҳон халқлари орасида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Маросим таомларини тайёрлашда воҳада буғдой, арпа, нўхат, гурунч, арпа, мош, зиғир, кунжутдан, чорвада эса қорамол, қўй, эчки гўшти ва ёғидан кенг фойдаланилган, витаминларга бойлиги жиҳатидан асрлар оша ўз кўриниши ва таъмини, пиширилиш услубини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.;
2. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008. – 290 б.;
3. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 110 б.;
4. Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. – Тошкент, 1989. – 339 б.;
5. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.

DALVARZINTEPA – ENG QADIMGI MADANIYAT YODGORLIGI SIFATIDA

Sotvoldiyeva M.O.

Andijon Davlat Universiteti talabasi

Qadimgi madaniyat o'choqlaridan biri bo'lgan O'zbekiston moddiy madaniyat yodgorliklariga nihoyatda boydir. O'zbek xalqining uzoq o'tmishdan qolgan tarixiy obidalarini o'rganish, garchi o'tgan asrning ikkinchi yarmida, O'rta Osiyo chor Rossiyasi tomonidan bosib olingandan so'ng boshlangan bo'lsa-da, respublikamiz hududida arxeologik tadqiqotlar va moddiy madaniyat yodgorliklarini ilmiy asosda har tomonlama chuqur tekshirish ishlari faqat sovet davrida keng ko'lamda amalga oshirildi. 20-30-yillarda O'zbekistonning turli rayonlarida qator muhim arxeologik tekshirishlar o'tkazildi. Masalan, 1925-1930-yillarda Samarqandda V.L.Vyatkin 1926-1928-yillarda Termizda B.P.Denike, 1925-1928-yillarda Ohangaron vodiysida M.E.Masson, 1929-1930-yillarda esa A.A.Patapov hamda 1930-1933-yillarda Farg'ona vodiysida B.A.Latinin qazishma ishlari olib boradilar. 30-yillarning ikkinchi yarmida Moskva, Leningrad va O'zbekiston olimlarining hamkorligida bir nechta arxeologik ekspeditsiya tashkil etiladi. A.Yu.Yakubovskiy boshliq Zarafshon (1934-yil); M.E.Masson rahbarligidagi Termiz (1926-yil) va S.P.Tolstov boshliq Xorazm (1937-yil) arxeologik ekspeditsiyalari shular jumlasidandir.

Ulug' Vatan urushi yillarida garchi yirik arxeologik ekspeditsiyalarning faoliyati deyarli to'xtab qolgan bo'lsa ham, urushdan so'ng arxeologik tadqiqotlar yana keng ko'lamda qizitib yuborildi. Ulug' vatan urushidan keying davrda o'z dala tadqiqotlari bilan O'zbekistonning barcha hududini qamrab olgan bir necha yirik arxeologik ekspeditsiya tashkil etildi. Xorazm arxeologik-

V SHO'BA. ARXEOLOGIYA VA ETNOLOGIYANING MILLIY QADRIYATLAR HAMDA TARIXIY XOTIRANI MUSTAHKAMLASHDAGI AHMIYATI			
50.	<i>Ражабов Р.</i>	Ўзбекистондаги араблар билан боғлиқ ижтимоий тоифалар	107
51.	<i>Усмонов М.</i>	Ўзбекистон ҳудудида кўнғиротларнинг жойлашув хусусиятлари	110
52.	<i>О'роқова Н.</i>	Sohibqiron Amir Temur davri an'anaviy tantanalari va ularning o'tkazilishi	112
53.	<i>Полвонов К.Н.</i>	Қашқадарё вилоятида шаҳарларнинг ташкил топиши ва ривожланишига қаратилган асосий тадбирлар, уларнинг моҳияти	115
54.	<i>Кўчаров Ж.Қ.</i>	Бухорода темурийлар даврида деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши	118
55.	<i>Тўхтамишева Ф.</i>	Замонавий кашталарда анъанавийлик	119
56.	<i>Тўхтамишева Ф.</i>	Зардўзликнинг шаклланиши ва трансформацион жараёнлар	121
57.	<i>Ҳайитов Ҳ.А.</i>	Тарихий ёзма асарларда халқ кулгиси асосида яратилган сажънинг қўлланиши	123
58.	<i>Юсупова М.Ў.</i>	Бухоро маросим таомларининг этнографик таҳлили	125
59.	<i>Sotvoldiyeva M.O.</i>	Dalvarzintepa – eng qadimgi madaniyat yodgorligi sifatida	126
VI SHO'BA. TA'LIM MUASSASALARIDA MILLIY QADRIYATLAR HAMDA TARIXIY-MADANIY MEROSNI O'QITISH MASALALARI			
60.	<i>Ражабова Н.Н.</i>	Ўзбекистонда маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилишга оид давлат сиёсати	128
61.	<i>Шадиева Д.А.</i>	Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалар билан ишлаш (Қарши давлат университети мисолида)	131
62.	<i>Шадиева Д.А.</i>	Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ислоҳотлар ва унинг натижаси	132
63.	<i>Йўлдошев А.Б.</i>	Марказий Осиё республикаларидаги ўзбек миллий матбуоти (Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари мисолида)	134
64.	<i>Nagmatov I.</i>	Mirzo Muhammad Haydarning “Tarixiy Rashidiy” asari muhim manba sifatida	136
65.	<i>Тўлаев Х.Ш.</i>	Тарихий маданий мерос масаласи ёшлар нигоҳида	138